

XDF

1918-yil
21-iyundan chiqa
boshtagan

№ 19, 2024-yil
8-may,
chorshanba (32.817)

0'zbekiston

ijtimoiy-siyosiy gazeta

Birgalikda ijtimoiy davlat sari!

ovozi

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТҮҒРИСИДА

Мамлакатимизда 9 май – Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиши, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида ҳало бўлган ажоддодларимиз хотирасини абдадиаштириш, бугун хам сафимизда турига, Ватанимизнинг обрў-эътибори-юксалтириша, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга хисса кўшаётган фахрийларни эъзозлаш ҳамда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 79 йиллиги муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш максадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг ҳар бирга 20 000 000 (йигирма миллион) сўм майдорида бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблаглари хисобидан амалга оширилсин.

3. Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Мудофавазирилиги, Миллий гвардия, Давлат ҳафсизлик хизмати, Ички ишлар вазирилиги, Иктисолидёт ва молия вазирилиги, Маданият вазирилиги, Ўзбекистон махаллалари уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини кўллаб-куватлаш «Нуроний» жамғармаси билан биргаликда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофоти тантанали ҳамда байрамона вазиятда топширилишини тъминласин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат килиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 16 апрель

Ўзбекистон Президенти амалий ташриф билан Россияда бўлади

Ўзбекистон Президенти амалий ташриф билан Россияда бўлади Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8-9 май кунлари амалий ташриф билан Москва шаҳрида бўлади.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан мамлакатимиз етакчиси кузатувчи давлат раҳбари сифатида Олий Евросиё иктисолидёт кенгашининг навбатдаги йигилишида ҳамда Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 79 йиллигига бағишлиланган тантанали тадбирларда иштирок этади.

Ташриф доирасида катор икки томонлама учрашувлар ўтказилиши ҳам режалаштирилган.

Ўзбекистон Президенти Венгрия билан кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш имкониятларини қайд этди

Ўзбекистон Республикаси Президенти 7 май куни кўшма Ҳукуматлараро комиссия тадбирларида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Венгрия ташки ишлар ва савдо вазири Петер Сийяртони қабул қилди.

Петер Сийярто давлатимиз раҳбарига Венгрия Бош вазири Виктор Орбаннинг саломи ва энг эзгу тилакларини етакди ҳамда учинчи Тошкент инвестиция форуми муваффақиятли ўтказилгани билан табриклиди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Венгрия ўртасидаги кўп қирралари ҳамкорликнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Икки мамлакат стратегик шериклиги изчил мустаҳкамланиб, амалий алоқалар жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Барча даражаларда фаол мулоқотлар давом этмоқда. Кейнинг йилларда товар айрбошлаш ҳажми икки баробарга кўйлади, кўшма лойиҳа ва корхоналар сони ошмокда.

Саноат, фармацевтика, қишлоқ ҳўжалиги, балиқчилик, логистика, кўчмас мулк обьектларини куриш ва бошча йўналишлардаги лойиҳаларни илгари суриш масалалари кўриб чиқилди. Тошкент вилоятida Венгрия ва Европа компанияларининг лойиҳалари учун маҳсус иктисолидёт зонани тез фурсатда ишга тушириш мухимлиги таъкидланди.

Гуманитар алмашинув ҳам кенгаймокда. Талабаларимиз Венгрияning етакчи олий таълим муассасаларида таҳсил олмоқда.

Шунингдек, ҳалқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасидаги, шу жумладан Туркӣ давлатлар ташкилотидаги ҳамкорлик масалалари юзасидан ҳам фикр алмасилди.

president.uz



9 май – Хотира ва қадрлаш куни

TOSHKENT XALQARO INVESTITSIYA FORUMU 2024-yil 2-3 may TASHKENT INTERNATIONAL INVESTMENT FORUM May 2-3, 2024



ИНВЕСТИЦИЯ ва ИШ ЎРНИ

2 САХИФАДА



ЖАВОБ БЕРМАЙДИ

3 САХИФАДА

ЭНДИ ДАВЛАТ ГРАНТИ
ҮРИНЛАРИ ЭНГ ЎЮРИ БАЛЛ
ТУПЛАГАН АБИТУРИЕНТЛАР
ТАНЛОВИ АСОСИДА
БЕЛГИЛАНДИ. БУ ҲАДДА
ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
ХУЗУРИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ
ТИЗИМИ БЎЙИЧА БЎЛИБ
ЎТГАН ТАКДИМОТДА АЙТИБ
ЎТИЛДИ. 1 СЕНТЯБРГА ҚАДАР
УКУВ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТУЛИК
ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИБ, ЯНГИ
ТИЗИМНИ ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА
КЎРСАТМА БЕРИЛДИ.

2 САХИФАДА



ҲАР ДАҚИҚА ХОТИРЛАБ, ҳар кун ҳурмат кўрсатиш керак

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан жойларда уруш ва меҳнат фахрийларини йўқлаш, юртимиз тинчлиги йўлида мардларча ҳалок бўлган Ватан ҳимоячилигининг оиласидан хабар олиш, умуман, эзгулик, меҳр-муруватга йўғрилган хайрли тадбирларнинг қамровини, суръатини ошириш анъянага айланган. Жумладан, турли давлат ва нодавлат ташкилотлари, идоралар вакиллари, мутасадди раҳбарлар қаторида депутатлик бирлашмалари, сиёсий партиялар фаоллари ҳам нуронийлар ҳузурида бўлиб, уларнинг сұхбатини олмоқда, байрам совғаларини улашмоқда.

Дарвоқе, бундан атиги икки ярим йил олдин Иккичи жаҳон уруши қатнашчилари республикамида 660 нафарни ташкил этар эди. Бугун эса уларнинг сони 70 нафар атрофида. Шунинг ўзиёқ ИНСОН учун, хайрли амаллар учун ҳар бир фурсат ғанимат эканини англатади.



ҚҮНГИЛЛАР ОБОДЛИГИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон XDP Шаҳрисабз туман Кенгаши ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда "Обод" маҳалла фуқаролар йигинида яшовчи Иккичи жаҳон уруши қатнашчisi Сайдулло Жабборов хонадонига йўқлов ташкил килиди. Узик йиллар кишлоқ ҳўжалиги тизимида самарали меҳнат килган, вилоят миқёсидаги раҳбарлик лавозимларида фаолият юритган фахрийдан кўнгил сўралиди, дуоси олинди.

Отахон фаолларга уруш даҳшатлар, у кунларнинг ўчмас доғлари ҳақида гапириб берди. Утмиш хотираларини ёдга олар экан, бугунгина тинчлик-осойишталикни қадрлаш, келажакка интилиш, шукроналик хисси билан яшаш зарур эканини таъкидлadi.

ЖАСОРАТ ЭГАЛАРИНИ ЁД ЭТИБ...

Ўзбекистон XDP Тошлоқ туман Кенгashi туман ҳокимлиги ва туман мактаб ва мактабгача таълим ташкилоти билан ҳамкорликда "Ҳамрак" МФДаги 5-умумтаълим мактабида хотира ва қадрлаш куни олдидан маънавий-маърифий тадбир ўтказди.

Унда сўз олганлар тинчликини қадрлаш, ёши улуғ инсонларнинг насиҳатлари, ўйтлагрига қулоқ тутиш, уларнинг дуосини олишда ҳикмат кўп эканини таъкидлайдilar. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда кекса авлод вакилларининг ўрни мухимлиги, уруш жангхоҳларида аждодларимиз кўрсатган жасорат ҳаётини мисоллар билан ёдга олинди.

Мактаб ўқувчилари тайёрлраган байрам дастури барчага хуш кайфият улаши.

ФАХРИЙЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Бухоро. Партияда ишлаб, шахсий фазилатлари, жонкуярлиги ва фидойилиги билан обрў-эътибор қозонган фахрийларимизнинг сафи қенг. Уларнинг хизмат ва ҳаёт йўли ёшлар учун чинакам ибрат мактабидир. Ўзбекистон XDP Бухоро вилоят Кенгashiда "Фахрийлар кенгаси" аъзолари ва фаоллар учун байрам дастурхони устида самимий сұхбат ташкил килинди. Тадбирни вилоят партия Кенгashi раиси З.Тўйева очиб берди.

"Баркамол авлод" болалар маркази томонидан мусикияни чиқишилар барчани хушнуд килиди. Сўзга чиққан фахрийлар сайловолди дастури учун кексалар, пенсионер ва нафакадаги инсонлар, ўзгалар парваришига мухтоҳ катлам вакилларини кўллаб-кувватлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги тақлиф ва гояларини билдирилар.

Тадбир сўнгига партия мақсадларини аҳоли орасида тарғиб этишида ўз хиссасини

Турли давлат ва нодавлат ташкилотлари, идоралар вакиллари, мутасадди раҳбарлар қаторида депутатлик бирлашмалари, сиёсий партиялар фаоллари ҳам нуронийлар ҳузурида бўлиб, уларнинг сұхбатини олмоқда, байрам совғаларини улашмоқда.

қўшиб келаётган фахрийлар, фаол аъзолар Ўзбекистон XDP Марказий Кенгashi раисининг эсадалик совғалари билан тақdirlandilar.

Ўзбекистон XDP Хоразм вилоят Кенгashiда ҳам ана шундай тадбир ташкил этилди. Унда "Фахрийлар кенгаси" аъзолари ва фаоллар билан учрашув бўлиб ўтди. Ёши улуғ инсонларнинг ҳаёт тажрибаларини тинглаш, уларнинг маслаҳатлари, тақлифлariга қулоқ тутиш ҳамиша яхшилика хизмат килган. Бу галг мәнавий-маърифий тадбир айни шу мақсадга қаратildi.

Тадбирда партия дастурининг янада ҳаётлигини таъминлаш, одамларга яқинлашиши учун нималар қилиш, қандай ташаббусларни илгари суриш масаласида фикрлар билдирилар.

Қорақалпоғистонда ҳам фахрийлар иштирокидаги тадбир кўтарилик руҳда бўлиб ўтди. Ўзбекистон XDP демократик партияси тизимида самарали меҳнат килган ёши улуғ нуронийлар билан уч авлод учрашуви ўтказилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари, ҳалк

депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларидағи партия гурухи, "Фахрийлар Кенгаси" ва "Ёшлар қаноти" фаоллари, оммавий аҳборот воситалари вакиллари иштиrok этди.

Очиқ мулоқот асносида фикрлар хилма-хиллигига, янги таклифлarga гувох бўлинди. Сайловоди дастурига ижтимоий ҳимоя самарадорлигини оширишга доир таклиф-гоялар тингланди. Қорақалпоғистонлик партия фахрийлари ҳам байрам совғалари билан уйларiga қайtdilar.

Партияning Тошкент вилоят кенгасида ўтказилган фахрийлар учрашувда таъкидландики, мамлакатимизда кекса авлоднинг ҳуқук ва манфаатларини таъминлаш ўйлида қенг кўллами испоҳотлар амалга оширилмоқда. Нуронийларимизга тиббий хизмат кўрсатишнинг сифат даражасини ошириш, ижтимоий хизмат тизимини такомиллаштириш, манзилли ижтимоий ҳимояни кучайтириш, мoddий ёрдамни кенгайтириш борасидаги амалий ишлар ҳам тилга олинди. Бу жараёнда партия ташкилотлари ва депутатларнинг иштирокини фаоллаштириш учун нималарга эътибор карашиб зарурлиги бўйича фикрлар билдирилди. Фахрий ёрлик ва эсадалик совғалари нуронийлар руҳини кўтари.

Тошкент шаҳар партия Кенгаси бу кун нуронийлар ва кайвонилар билан гавжум бўлди. "Фахрийлар кенгаси" аъзолари иштирокида бўйлб ўтган мулоқотда ўтганлар ёддилид, ҳаёт қиққига дуолар ўқилди. Ҳаёт қийинчиликларида тобланган инсонларнинг вазмин, босиқ ва доно фикрлари, ўйтлари ёшларни бефарқ қолдирмагани рост.

Партияning электорати бўйлан ёлғиз кексалар, пенсионерлар, нафақадаги шахслар, умуман, ижтимоий ҳимояга мухтоҳ қатлам вакиллари манфаати ҳимоясини янада кучайтириш учун нималар қилиш мумкин, деган савол атрофида ёшлар вакиллари ҳам ўз тақлифлари билан ўртоқлаши.

Жиззах вилояти партия Кенгасида бўйлб ўтган учрашув аввалида йиғилганлар ижтимоий ҳаётимиздаги долзарб масалалар, испоҳотлар ва олдинда турган мухим сиёсий жараёнлар борасида сўз юритди. Билдирилган фикрларни тақлифлар Марказий Кенгаш сайловоди дастурини тайёрлаш бўйича экспертлар гурухига тақдим этилиши белgilab олинди.

Тадбир доирасида нуронийлар эл-юрт озодлиги ва мустақиллиги учун курашган, мустабид тузум давридаги оммавий қатғонлик сиёсати туфайли қурбон бўлган ватандошларимизнинг номларини поклаш ҳамда хотирасини абдайлаштириш мақсадида ташкил қилинган "Қатағон курбонлари" хотираси музейи ҳамда Шароф Рашидов уй-музейига ташриф буордилар.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, Ўзбекистон XDP Аҳборот хизмати раҳбари.





FESTIVAL

+ 25 Корака
+ 30 Республика
Хоразм+ 30 Бухоро
+ 35 Навоий+ 28 Тошкент
Самарқанд
Жиззах
Сирдарё+ 30 Қашқадарё
+ 35 Сурхондарё+ 31 Андикон
Наманган
Фарғона+ 31 Тошкент
шахри
+ 33

СУРХОН ГАВҲАРИ – БОЙСУНДА ЧАНҚОВУЗ САДОЛАРИ ОЛАМНИ ТУТИБ, БАХШИЛАННИНГ ЖЎШҚИН ОВОЗИ ЧОР-АТРОФГА ЖАРАНГ СОЧДИ. БИР ТОМОНДА ЛАПАРУ АЛЁРЛАР АВЖ ОЛГАН БЎЛСА, БОШҚА ТАРАФДА БЕТАКРОР РАҚСЛАРГА ГУВОҲ БЎЛИНДИ. МИЛЛИЙ ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ, СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ, МУРОСАСИЗ БЕЛЛАШУВЛАР, ТАОМЛАР ТАНЛОВИ, ВАРРАК САЙЛИ, ЗАРДЎЗЛИК АНЖОМЛАРИ, МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАР НАМОЙИШИ, ХУНАРМАНДЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ КЎЗГАЗМАЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРГА ЎЗГАЧА КАЙФИЯТ БАХШ ЭТДИ.

Бойсун туманининг “Бибиширин” маҳалласида еттинчи бор ташкил этилган “Бойсун баҳори” халқаро фольклор фестивали бу йил янада кўттариникида ўтди. Пурвикор тоғлар бағрида баҳор нафасидан фусункорлиги ўн чандон ортган айни манзилга ЮНЕСКО, Европа Итифоқи каби халқаро ташкилотлар ҳамда дунёнинг кирдан ортиқ давлатидан 160 нафарга яқин олимлар, сайдёхлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда меҳмонлар ташриф бўюди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тамадун бешиги ва тилсизматлар маскани хисобланган Бойсун 2008 йилда ЮНЕСКО томонидан Инсониятнингномоддий маданий мероси Репрезентатив рўйхатига киритилган. Маданият вазирлиги, Туризм қўймаси, Сурхондарё вилоят ҳокимлиги ва бошқа ҳам-

корлар томонидан ҳар икки йилда “Бойсун баҳори” халқаро фольклор фестивали ўтказиб келинаётгани дунё халқларини қадимий мақон билан янада яқиндан танишиш имконини яратди.

Фестиваль доирасида Термиз давлат универсitetida “Сурхон воҳасининг инсоният цивилизациясидаги ўрни: моддий ва номоддий маданият асослари” мавзууда халқаро илмий-амалий конференция ташкил қилинди. Шундан кейин Бойсун кенгликларида майдонда тантаналар бошланди. Тадбирда сўз олганлар “Бойсун баҳори” инсоният маданий ҳәётининг ўтмиши, бугуни ва келажагига даҳдор эканини, миллий қадриятлар ўзликни англашга хизмат қилиши ва бунда мана шундай нуғузли анхуманлар муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Сибизға ноласи, дўмбира садоси, доира жарангি, дутор оҳангি, най навосию карнай-сурнай овози байрам тароватига янада ўзгacha шукуҳ бағишлиди. Таникли санъаткорлар, хорижлик ҳамда мажаллий фольклор-этнографик жамоаларининг чиқишилари олардан қўлини гонглини.

- Ўн кун олдин Сурхондарёга келгандик, “Сангардак” шаршараси, Деновдаги мадраса, Жарқўргон минораси, Олтинсойдаги “Хўжайпок”, Бойсундаги “Хўжамайхона”, Шерород туз кони ва бошқа мўъжизакор масканларда бўлдик, – дейдий Тожикистон Республикасининг Мирзо Турсунзода шаҳрида яшовчи Муҳаммадиусоф Абдураимов. - Биз – ўзбек ва тожик бир ўзандан сув ичган, тархи, тақдир, илдизи туташ, қадриятларимиз бир-бирига яқин элмиз.

“Бойсун баҳори” фестивалида иштирок этиб, бунга яна бир карра амин бўлдим. Уйимизга кувончили, унунтилмас таассуротлар билан қайтамиз.

“Бойсун баҳори” доирасидаги тадбирлар хориж матбуотида, жумладан, Иордания, Бельгия, Марокаш, Саудия Арабистони, Россия, Иорд ва бошқа қатор давлатлар нашрларида мунтазам ёритиб борилди.

Шундай қилиб, бир ҳафта давом этган навбатдаги “Бойсун баҳори” ниҳоясига ўтди. Фестиваль якунида турли йўналишилар бўйича голиб ва соғирдорлар аникланиб, қиммат-баҳо совғалар, диплом ҳамда пул мукофотлари топширилди.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.**



Biznesni
Rivojlantirish
Banki



QUANT

Bank yo'lingizda emas,
qo'lingizda bo'ladi!



9 MAY
XOTIRA VA QADRASH
KUNI BILAN!

“QUANT” mobil ilovasi

- Uzcard, Visa, Humo kartalari o'rtaşıda pul o'tkazish
- Valyutani onlayn sotib olish
- Internetda kartalar, omonetlar va hisoblarini boshqerish



www.brb.uz

1254

“Ўзбекистон овози” газетаси таҳририяти жамоаси таникли ижодкор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

Абдурауф ҚОРЖОВОВнинг вафоти муносабати билан оила аъзолари ва яқинларiga ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоятини кенгаши Богот туманидаги З-сон ихтинослаштирилган мактаб директори

Эргаш ака ХУДОЙНАЗАРОВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига, шунингдек, ҳалқ депутатлари Хоразм вилоятини кенгаши хотибияти мудири Алтибай Раджабовга турмуш ўртоғи

Роҳатой аянинг вафоти муносабати билан чукур ҳамдардлик билдиради.

MUASSIS:



O'zbekiston ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOVATOV Muslihiddin MUHIDINOV
Ulug'bek VAFOYEV Hayotxon ORTIQBOYEVA
Maqsuda VORISOVA Toshtemir XUDOVQULOV
Qalandar ABDURAHMONOV Guliston ANNAQILICHEVA

Bosh muharrir: To'iqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўйими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasidasi chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yhatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 537. 3497 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'ZA yakuni —
Topshirilgan vaqt —

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxa

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.